

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ



ВЕСТНИК ХОРЕЗМСКОЙ АКАДЕМИИ МАЪМУНА
BULLETIN OF KHOREZM ACADEMY MAMUN

2023 – 6/1

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-6/1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

| | |
|---|-----|
| Иномова М.М., Ҳамзаев А.Х. Ёпиқ илдиз тизимида етиштирилган писта ниҳолларининг жадал ўсишига минерал ўғитларнинг ҳар ҳил меъёрлари таъсирини ўрганиш | 178 |
| Ишметов С.С., Абдиев Ф.Р. Маккажўхорининг дон ва яшил масса ҳосилдорлиги | 180 |
| Кдырбаева Г.У., Реимов Н.Б. Сув танқислигида Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштириш | 183 |
| Махамматова М., Жабборова Н. Буғдой навлари уруғининг физиологик етилиши | 188 |
| Муратова Г.С. Паст частотали электромагнит майдон ва фитогармонларнинг ўсимликларга комбинацион таъсири | 191 |
| Муталова М.К., Кўлибоев В.Қ. Бошланғич манба учун танлаб олинган қанд лавлаги ўсимлигининг барг ва яшил масса кўрсаткичлари | 193 |
| Намазов Ш.Э., Туримбетов М.Ш., Матёкубов С.К. Турли тупроқ-иқлим шароитига мос С-7315 ғўза навининг морфоҳўжалик хусусиятлари | 196 |
| Насириллаев Б.У., Абдиқодиров М.А. Тут ипак қуртининг эркак жинсли янги дурагай комбинацияларида хўжалик белгилар | 199 |
| Насирова М.С., Шерматов Ё., Гадаев Н.Н. Турли даврларда тупроқнинг кўп қатламларида экин майдонларининг шўрланиш даражаси ўзгаришини масофадан туриб таҳлил қилиш | 203 |
| Норов Б.Н., Кўчқоров О.Э., Ҳамроқулов И.М. Дурагайлашга жалб қилинган ота-она шакллариининг айрим қимматли хўжалик белгилари ҳамда тола сифат кўрсаткичлари | 206 |
| Орипова Б.Б., Гаппаров Б.М., Рафиева Ф.У., Тураев О.С., Кушанов Ф.Н. Ғўзаниннг <i>Gossypium L.</i> туркуми айрим ёввойи турларининг вегетация даври давомийлиги ва дурагай комбинацияларида кўсак ва уруғ тугилиш даражаси | 211 |
| Пўлатов З.А., Бекчанов З.Б. Буғдой агробιοοценозида табиий кушандаларнинг аҳамияти | 216 |
| Сатторова М.М. Бухоро вилояти Жондор туманида тарқалган суғориладиган қумли чўл тупроқларнинг механик таркиби ва ундаги озика элементларнинг миқдори | 219 |
| Ўрозов Б.О., Тореев Ф.Н., Эгамбердиев Р.Р., Шодмонова Г.Э. Ғўзаниннг оддий ва мураккаб дурагайлаш асосида яратилган тизмаларидани тола сифат кўрсаткичлари | 224 |
| Хударганов К.О., Усманов С.А., Абдуллаева М.М. Ингичка толали ғўза навлари, тизмалари ва дурагай комбинацияларида айрим қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари | 226 |
| Эргашев О. Р., Азимов А. А., Алиқулов Э. О., Абдурасулов Ф.Ш., Раҳимқулов Ё. И. Г. <i>Hirsutum L.</i> га мансуб нав ва тизмалар фенотипида умумий ва очилган кўсаклар сони кўрсаткичларининг намоён бўлиши | 229 |

Тола узунлигининг намоён бўлиши бўйича олиб борилган уч йиллик тажриба натижаларига асосан андоза С-6524 ғўза навининг ўртача тола узунлиги 34,4 мм эканлиги аниқланди. Йиллар кесимида таҳлил қилганимизда, 2017 йилда 33,5 мм, 2018 йилда 34,9 мм ва 2019 йилга келиб 34,4 мм эканлиги, яъни ўртача 1,4 мм. га калта эканлиги аниқланди. Янги яратилган ўрта толали С-7315 ғўза навининг тола узунлиги эса, 2017 йилда 35,0 мм, 2018 йилда 35,6 мм ва 2019 йилга келиб 36,8 мм эканлиги жадвал маълумотларидан кўриниб тўрибди. Уч йиллик натижалар асосида С-7315 ғўза навининг ўртача тола узунлиги 35,8 мм ни ташкил қилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида янги яратилган ўрта толали С-7315 ғўза нави андозага нисбатан нисбатан 1,4 мм. га тола узунлиги юқори эканлиги аниқланди.

Бир дона кўсак вазни бўйича янги яратилган ўрта толали С-7315 ғўза навининг 2017 йилдаги кўрсаткичи 6,4 г., 2018 йилда 6,2 г. ва 2019 йилга келиб 6,8 г. эканлиги жадвал маълумотларидан кўриниб тўрибди. Уч йиллик натижалар асосида С-7315 ғўза навининг ўртача кўсак вазни 6,5 г. ни ташкил этиб, С-6524 навидан +0,9 г. устун бўлгани кузатилди.

Янги яратилган ўрта толали С-7315 ғўза навининг 1000 дона чигит вазни бўйича 2017 йилдаги кўрсаткичи 120 г., 2018 йилда 122 г. ва 2019 йилга келиб 124 г. эканлиги аниқланди. Андоза С-6524 ғўза навининг чигит вазни эса, 2017 йилда 115 г, 2018 йилда 118 г. ва 2019 йилга келиб 118 г. эканлиги, яъни ўртача 117 га тенг бўлди. Уч йиллик натижалар асосида С-7315 ғўза навининг ўртача 1000 дона чигит вазни С-6524 навидан +5 г. устун бўлгани тасдиқланди.

С-7315 ғўза нави Вертициллёз вилт билан зарарланиши бўйича умумий зарарланиши 12,3 % кучли даражада зарарланиши эса 7,0 % ни ташкил қилган бўлиб андоза С-6524 ғўза навида эса умумий зарарланиш 21,3% кучли зарарланиш 11,3 % ни ташкил этиб

С-7315 ғўза навининг морфологик хусусиятлари: С-7315 ғўза нави конуссимон тузилган бўлиб бўйи ўртача 100-115 см ни ташкил қилади. Ўсимликнинг биринчи хосил шохигача бўлган бўғимлар сони ўртачани ташкил қилади. Барглари ўртача катталиқда бўлиб кафтсимон шаклда. Баргда госсипол ва шира чиқарувчи безлари мавжуд. Гули сарғиш рангда. С-7315 ғўза навининг кўсақлари ўртача катталиқда бўлиб 6,2-6,5 граммни ташкил қилади. Кўсагида майда узик-юлуқ эгатлар бўлиб, кўсакбандини узунлиги ўртача 2-4 см ни ташкил қилади. Толасининг узунлиги ўртача бўлиб 34,0-35,5 мм ни ташкил қилади. Тола пишиқлиги ўртача бўлиб 32,7 гк/текс ни ташкил қилади.

С-7315 ғўза нави қимматли хўжалик белгиларининг ижобий мажмуаси ва кўсақларни очилиш динамикаси юқорилиги ҳамда зарарқунанда ва касалликларга чидамлилиги ва турли тупроқ иқлим шароитларига мос эканлигини инобатга олиб Республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида кенг синовини ташкил этиш тавсия этилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Бекбанов А. Гетерозисный эффект при отдаленной гибридизации // Ж.:Хлопководство. –Ташкент, 1980. -№4. –С.29.
2. Тишин А.И., Бекбанов Б.А. Изменчивость хозяйственно-ценных признаков гибридов хлопчатника при различных способах скрещивания. //Сб.науч.трудов ВНИИССХ им.Г.С.Зайцева.–Ташкент, 1982. -Вып.№19.–С. 125.
3. FAS/USDA, Global Market Analysis, 2020.

УЎТ: 575.1:638.2:677.37 (575.1)

ТУТ ИПАК ҚУРТНИНГ ЭРКАК ЖИНСЛИ ЯНГИ ДУРАГАЙ КОМБИНАЦИЯЛАРИДА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАР

**Б.У. Насириллаев, қ.х.ф.д., проф., Ипакчилик ИТИ, Тошкент
М.А. Абдиқодиров, ўқитувчи, ЧДПУ, Чирчиқ**

Аннотация. Ушбу мақолада 2020-2022 йилларда тут ипак қуртининг Z-хромосомасида жойлашган I_1 ва I_2 летал генлар бўйича мувозанатланган С 8 нгл ва оддий тизим, зотлар иштирокида олинган F_1 дурагай комбинацияларининг хўжалик белгилари тахлилига оид натижалар келтирилган.

Калит сўзлар: тут ипак қурти, эркак жинсли дурагай, уруғ, физиологик брак, летал ген.

Аннотация. В данной статье приведены результаты анализа показателей репродуктивных признаков сбалансированной по Z леталям (l_1 и l_2) породы C-8нгл и обычных пород, а также, гибридных комбинаций тутового шелкопряда.

Ключевые слова: тутовый шелкопряд, самцовый гибрид, грена, физиологический брак, летальный ген.

Abstract. This article presents the results of the analysis of indicators of reproductive characteristics of the Z-balanced (l_1 and l_2) C-8nгл breed and ordinary breeds, as well as hybrid combinations of silkworm.

Keywords: silkworm, male hybrid, gren, physiological useless, lethal gene

Кириш. Ўзбекистон Республикасида пиллачилик тармоқларининг мавжуд салоҳиятини ҳар томонлама ишга солиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг рентабеллигини ошириш учун қулай шароитлар яратиш орқали ушбу соҳани қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [1].

Кўрилатган чора-тадбирларга қарамай тут ипак куртининг бир қути куртдан олинадиган пилла ҳосили ва унинг сифати жиҳатдан тўлиқ талаб даражасида эмаслиги мазкур соҳада бир қатор камчиликлар ва муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Ушбу муаммоларни бартараф этишда тут ипак курти генетикаси ва селекциясида илмий изланишларни жадаллаштириш, шунингдек, эришилган натижаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш талаб этилади. Буни амалга ошириш усулларида бири жинсни сунъий бошқариш ва шу усул асосида эркак жинсли дурагай олиш ҳисобланади.

Тут ипак курти жинси сунъий бошқарилишига эришилган санокли объектлардан биридир. А.С.Серебровский биринчилардан бўлиб жинсни сунъий бошқариш усулини таклиф этган [2]. Япон олими Ю.Тазима 10-аутосомада жойлашган w_2 генини W хромосомасига транслокация қилиб, урғочи жинсли куртларни кулрангли тухумдан, w_2w_2 генотипли эркак жинсли куртлар оч сарғиш рангли тухумлардан чиқишини таминлашга эришди [3].

В.А.Струнников γ – нурлари воситасида индуцирланган мутагенез ёрдамида иккала жинсий хромосомалари рецессив летал мутация билан маркировкаланган линия олган [4]. Натижада, 1970 йилларга келиб W-хромосомасида l_1 ва l_2 доминант летал генларни сақловчи транслокацияга эга генетик линия олинди ва узоқ селекция ишлари асосида C-8нгл деб номланган Z-летал генлар бўйича мувозанатланган ноёб зот яратишга эришилди [5].

Ҳозирги кунда жинси леталлар бўйича нишонланган зотлардан амалиётда қисман фойдаланилиб келинмоқда. Уларнинг уруғ тайёрлашдаги қуйи кўрсаткичларга эғалиги муаммоси мазкур зотларни кўпайтиришнинг биров қимматлилиги билан ифодаланади. Шунга қарамасдан эркак жинсли пиллалардан олинадиган ипак тола урғочи жинслиларникига қараганда ингичкалилиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради [6]. Ушбу зот ўз ичида нормал кўпайиб, хоҳлаган зотнинг урғочи жинсли капалаклари билан чатиштирилса, фақат эркак жинсли дурагай авлод беради. Бундай дурагайларни эркак жинсли дурагай деб аталади.

Тут ипак куртининг жинсини нишонлашни саноат учун зарурияти катта эканини ҳисобга олиб, Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг “Тут ипак курти наслчилик иши” лабораториясида йирик пиллали, юкори махсулдорлик хусусиятларига эга ва жинси нишонланган зотлар яратиш йуналишида кенг камровли илмий изланишлар олиб борилди. В.А.Струнников раҳбарлигида ўнинчи аутосомада жойлашган w_2 генининг фрагментини W хромосомага транслокация қилишнинг янги соддалаштирилган усули яратилди [7]. Ана шу услубият асосида йирик пиллали Гўзал ва Марварид зотларидан 4 та селекцион тизимлар яратилди.

Мазкур илмий изланишимизнинг мақсади эмбрионал Z-летал генлар бўйича мувозанатланган C-8нгл зоти иштирокида олинган янги дурагай комбинацияларини 2020-2022 йилларда олинган хўжалик кўрсаткичларини кўш жинсли дурагайлар билан қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот материали ва услублари. Тажрибалар Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси қошидаги Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқиқот институти ва

Ўзбекистон Миллий Университети Генетика кафедраси олимлари томонидан ўтказилган. Экспериментда тут ипак қурти *Bombyx mori* L. тухумлик даврида жинси нишонланган, эмбрионал Z-леталлар бўйича мувозанатдаги С-8 нгл зоти, шунингдек, оддий жинси нишонланмаган зот (тизмалар) идан фойдаланилган.

Тажриба учун танлаб олинган зот ва тизмалар қуртлари кичик ёшда 26-27° С ҳароратда ва 70-75% нисбий намликда ҳамда катта ёшдаги қуртларни 24-25° С ҳарорат ва 65-70% нисбий намлик шароитида Ўзбекистон Ипакчилик ИТИнинг махсус қуртхонасида парваришланди. 1 кути қурт учун 1000 кг тут барги сарфланади. Қуртларни Жарарик 4, Жарарик 5 ва Жарарик 6 тут навларининг барглари билан боқилди. Тажибада олинган ва кутилган маълумотларни математик-статистик баҳолаш усулидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Эркак жинсли саноат дурагайларини 2020-2022 йиллар давомида синов натижалари параллель равишда дурагайларнинг ота ва оналик шакллари билан олиб борилди. Бунда оналик зот сифатида Марварид, Линия 66 тизими ва оталик компонент сифатида қўш летал генлар бўйича мувозанатлашган С 8 нгл зоти иштирок этди. Қуйида янги дурагайларнинг пуштдорлик кўрсаткичлари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

С-8нгл зоти билан пилла махсуддорлиги юқори зотлар билан чаптиришдан олинган эркак жинсли F₁ дурагайларнинг репродуктив кўрсаткичлари

| Зот ва дурагайлар | Йиллар | Қўймадаги тухумлар сони, дона | Қўймадаги тухумлар вазни, мг | 1 дона тухум вазни, мг | Физиологик брак, % |
|------------------------|--------|-------------------------------|------------------------------|------------------------|--------------------|
| Истикбол | 2020 | 470±0,34 | 559±15,0 | 0,620±0,0002 | 2,2±0,17 |
| | 2021 | 724±11,01 | 455±6,73 | 0,629±0,006 | 0,70±0,11 |
| | 2022 | 724±10,42 | 449±6,45 | 0,622±0,004 | 1,0±0,05 |
| Ўргача | | 639±8,46 | 487±3,57 | 0,620±0,01 | 1,3±0,46 |
| Л-66хС-8нгл | 2020 | 612±1,88 | 379±2,1 | 0,602±0,57 | 2,3±0,005 |
| | 2021 | 572±3,16 | 350±6,63 | 0,612±0,01 | 1,67±0,33 |
| | 2022 | 473±10,57 | 268±6,36 | 0,561±0,007 | 1,9±0,51 |
| Ўргача | | 552±4,13 | 332±3,32 | 0,590±0,02 | 1,96±0,18 |
| Л-28хС-8нгл | 2020 | 591±13,75 | 299±16,62 | 0,503±0,005 | 2,5±0,32 |
| | 2021 | 531±28,29 | 279±13,55 | 0,529±0,013 | 2,4±0,35 |
| | 2022 | 340±12,72 | 191±6,66 | 0,489±0,007 | 1,6±0,17 |
| Ўргача | | 487±7,54 | 256±3,31 | 0,507±0,01 | 2,17±0,28 |
| Л-203хС-8нгл | 2020 | 721±11,6 | 398±6,56 | 0,552±0,004 | 1,3±0,4 |
| | 2021 | 704±16,47 | 384±8,1 | 0,557±0,007 | 2,1±0,32 |
| | 2022 | 604±16,42 | 324±11,82 | 0,537±0,006 | 1,0±0,14 |
| Ўргача | | 676±3,65 | 368±2,27 | 0,550±0,01 | 1,47±0,33 |
| Л-207хС-8нгл | 2020 | 689±6,5 | 412±4,1 | 0,630±0,004 | 1,6±0,09 |
| | 2021 | 716±17,18 | 380±9,57 | 0,541±0,005 | 2,0±0,26 |
| | 2022 | 477±15,5 | 232±8,42 | 0,483±0,005 | 0,87±0,08 |
| Ўргача | | 627±7,55 | 341±5,54 | 0,551±0,04 | 1,49±0,33 |
| Ўзбекистон 5 (назорат) | 2020 | 791±19,5 | 501±0,61 | 0,633±0,005 | 1,3±0,2 |
| | 2021 | 757±3,21 | 469±6,73 | 0,631±0,007 | 1,4±0,04 |
| | 2022 | 737±13,44 | 466±9,40 | 0,628±0,006 | 1,3±0,19 |
| Ўргача | | 761±15,7 | 479±11,20 | 0,630±0,01 | 1,33±0,03 |

Келтирилган 1-жадвалдаги келтирилган маълумотларга таяниб таҳлил қилинадиган бўлса, эмбрионал ҳаётчанлик бўйича йирик пиллали Марварид зотида энг яхши кўрсаткичга эга бўлди (95,5 %). Эркак жинсли дурагайларда ҳам 90,2 % юқори ҳаётчанлик билан айнан Истикбол дурагайи яхши натижа қайд этди. Пилла ўрашгача етиб борган қуртларнинг улуши Марварид зотида 93,5 % ни ташкил этди. Эркак жинсли дурагай авлодлар орасида коникарли натижа сифатида Л-66хС-8нгл дурагайини келтириш мумкин (93,8 %). Кейинги кўрсаткич касаллик фоизи бўлиб, қуртларнинг соғлом пилла ўрай олмаган қуртларнинг умумий соғлом қуртларга бўлган нисбати билан ўлчанади. Олиб борилган уч йиллик тажиба давомида ушбу натижани турлича бўлганлиги кузатилди. Хусусан, оналик сифатида олинган зот ҳамда тизмаларда касаллик фоизи 2,05-5,71 % оралиғида бўлди. Энг яхши кўрсаткич Марварид

зотига тегишли бўлди (2,05 %). Эркак жинсли F₁ дурагай авлодлар ичида Л-66хС-8нгл комбинацияси 1,91 % гина носоғлом пиллаларга эгалиги билан ажралиб турди. Мазкур тахлил қилинган ҳаётчанлик белгилари қиёсловчи сифатида олинган Ўзбекистон 5 дурагайида пуштдорлигига қарамадан етарли даражада бўлмаганлигини кўрсатди. Бу эса тажриба давомида ҳосил қилинган янги эркак жинсли дурагай авлод етарли потенциалга эга эканлигини кўрсатади.

Тут ипак қуртида асосий миқдорий кўрсаткичлардан бири сифатида пилла маҳсулдорлик кўрсаткичларини олиш мумкин. Бу кўрсаткичлар зот ёки тизманинг хусусиятларидан келиб чикиб турлича бўлади. Жумладан, йирик пиллалари зот ёки тизмларда пилла вазни оғирроқ, ипакчанлик фоиз улуши ҳам юқорироқ бўлади. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш ўринли бўладики, пилла йирик, пилла қобиғи оғир бўлиши билан толанинг сифат кўрсаткичлари ҳозирги замон пилла йигириш дастгоҳлари томонидан талаб этиладиган мезонларга мос келмаслиги мумкин. Қуйидаги жадвалда ўртача уч йиллик пилла маҳсулдорлик кўрсаткичлари келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

С-8нгл зоти билан пилла маҳсулдорлиги юқори зотлар билан чатиштиришдан олинган эркак жинсли F₁ дурагайларнинг пилла маҳсулдорлиги (2020-2022 йй.)

| Зот ва дурагайлар | Йиллар | Пилла вазни, г | Пилла қобиғи вазни, мг | Пиллалар ипакчанлиги, % |
|---------------------------|--------|------------------|------------------------|-------------------------|
| Истикбол | 2020 | 1,93±0,05 | 496±8,09 | 25,6±0,26 |
| | 2021 | 1,85±0,04 | 441±25,33 | 23,9±1,80 |
| | 2022 | 1,81±0,01 | 466±0,004 | 25,47±0,08 |
| Ўртача | | 1,86±0,04 | 467±1,59 | 24,99±0,55 |
| Л-66хС-8нгл | 2020 | 1,77±0,02 | 453±10,36 | 25,6±0,28 |
| | 2021 | 1,7±0,03 | 453±21,12 | 26,6±0,72 |
| | 2022 | 1,83±0,009 | 467±0,007 | 25,4±0,29 |
| Ўртача | | 1,77±0,04 | 457±4,67 | 25,87±0,37 |
| Л-28хС-8нгл | 2020 | 1,69±0,05 | 453±17,35 | 26,8±0,21 |
| | 2021 | 1,7±0,05 | 494±18,45 | 28,3±0,77 |
| | 2022 | 1,96±0,02 | 520±0,004 | 26,53±0,03 |
| Ўртача | | 1,78±0,09 | 489±1,95 | 27,2±0,55 |
| Л-203хС-8нгл | 2020 | 1,93±0,01 | 478±0,01 | 24,9±0,20 |
| | 2021 | 1,69±0,04 | 431±7,23 | 25,4±0,28 |
| | 2022 | 1,92±0,03 | 506±0,04 | 26,4±1,53 |
| Ўртача | | 1,85±0,08 | 472±2,18 | 25,6±0,44 |
| Л-207хС-8нгл | 2020 | 1,77±0,036 | 433±9,3 | 24,4±0,29 |
| | 2021 | 1,7±0,02 | 435±16,38 | 25,4±0,64 |
| | 2022 | 1,85±0,03 | 473±0,01 | 25,6±0,71 |
| Ўртача | | 1,77±0,04 | 447±1,30 | 25,1±0,37 |
| Ўзбекистон 5 (назорат) | 2020 | 2,09±0,03 | 430±9,54 | 21,5±0,14 |
| | 2021 | 2,37±0,06 | 543±8,8 | 22,9±0,47 |
| | 2022 | 2,13±0,05 | 442±0,009 | 20,7±0,39 |
| Ўртача | | 2,20±0,09 | 472±3,58 | 21,7±0,63 |

Юқоридаги 2-жадвалда қайд этилган натижалар тахлил қилинадиган бўлса, авваламбор, қиёсловчи сифатида олинган Ўзбекистон 5 келиб чиқиши тетрадурагай бўлганлиги сабабли пиллалари йирик бўлади. Бу эса ўз-ўзидан пиллалар вазнида ўз аксини топади. Хусусан, мазкур дурагай 2,22 г оғирликдаги пиллалар билан қолган эркак жинсли дурагайлар ва оналик зот ҳамда тизмаларидан ажралиб турди. Бу дурагайга нисбатан яқинроқ оғирликда Л-207хС-8 нгл билан Истикбол бўлди (1,86-1,89 г). Оналик зот ва тизмалари орасида йирик пиллалари Марварид зоти ҳам 1,97 г оғирликдаги пиллалар ўраганлиги аниқланди. Пилла қобиғи вазнида ҳам деярли шундай тенденция кузатилди. Жумладан, Ўзбекистон 5 тетрадурагайида пилла қобиғи вазни 503 мг ни ташкил этган бўлса, унга яқинроқ кўрсаткич Л-28хС-8 нгл да аниқланди (489 мг). Марварид зоти ҳам нисбатан олиб қаралганда пилла вазни оғирроқ бўлди (441 мг).

Пилла қобиғи вазнининг умумий пилла оғирлигига нисбати, яъни, пиллалари ипакчан Л-28хС-8 нгл эркак жинсли дурагай комбинациясида бўлди (27,2 %). Оналик сифатида олинган

Л-28 тизмасида пилла қобиғи вазни эса 24,7 % ни ташкил этди. Бу натижа зот ва тизмалар ичида энг яхшиси бўлди. Пилла маҳсулдорлиги белгилари бўйича олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, пилла оғирлиги юқорилиги унинг ипакчанлиги ҳам юқорилигини англамайди.

Тажриба натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Саноатда фақат эркак жинсли куртларни парваришlashда, энг аввало, эркак куртлар қўш жинсли дурагайларга нисбатан 17-20% маҳсулдорроқ бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунинг учун эркак куртларни боқиш ипакчилик иктисоди нуқтаи назаридан қизиқарли ҳисобланади.
2. Тут ипак куртининг эркак жинсли дурагай комбинациялари, хусусан, Марварид х С 8нгл дурагай авлоди пуштдорлик кўрсаткичи юқорилиги ва физиологик яроқсизлик фоизи пастлиги билан хозирги кундаги талаб даражасидалиги эътиборга молик.
3. Эркак жинсли дурагай комбинациялари, хусусан, Л-28 х С 8нгл дурагай авлоди пилла маҳсулдорлик кўрсаткичи юқорилиги ва ипакчанлик фоизи юқорилиги билан ажралиб турди.
4. Олинган 3 йиллик натижалар тут ипак куртининг репродуктив белгиларига эмбрионал Z-летал генларни ноҳўя зарарли, таъсири кузатилмаганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ПФ-6059. 02.09.2020.
2. Серебровский Л.С. О ионом возможном опыте борьбы с вредными насекомыми. // Зоологич. журн. - Москва, 1940. - Т.19. - Вып. 4.
3. Tazima Y., Navada C., Ohta N. On the sex discriminating method by colouring genes of silkworm eggs. I. Indiction of translocation between the W- and 10th chromosomes. //Japan Journal Breed. - 1951. - №1. - P. 47-50,
4. Инге-Вечтомов С.Г. Генетика с основами селекции. Изд. Высшая школа, 1989. – С.555-560
5. В.А.Струнников. Получение мужского потомства у тутового шелкопряда. // Доклады АН СССР. Москва, 1969. -Т.189. - N5. – С.1155-1158.
6. Yong Z., Zhonghuai X., Xiaogui L. Breeding of limited teaspots in silkworm [J]. News, 1991, (4): 14-16
7. Струнников В.Л., Насириллаев У.Н., Леженко С.С. Новый генетический метод получения транслокаций фрагмента декгой аутосомы с геном +w₂ на женскую W-хромосому тутового шелкопряда. // Доклады АН Руз., 2008. - №1. – С.70-73

УЎК 628.711631.587

ТУРЛИ ДАВРЛАРДА ТУПРОҚНИНГ КЎП ҚАТЛАМЛАРИДА ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ ШЎРЛАНИШ ДАРАЖАСИ ЎЗГАРИШИНИ МАСОФАДАН ТУРИБ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

М.С.Насирова, таянч докторант, Ирригация ва сув муаммолари ИТИ, Тошкент

Ё. Шерматов, е.и.х., т.ф.д., Ирригация ва сув муаммолари ИТИ, Тошкент

Н.Н.Гадаев, доц., PhD, «ТИҚХММИ» Миллий тадқиқот университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада тупроқнинг шўрланиши қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун асосий хавфлардан ҳисобланади. Экин майдонларининг шўрланишини масофавий зондаши мониторингини амалга ошириш долзарбдир. Ушбу мақола Мирзачўлнинг сугориладиган тадқиқот майдони сифатида олди ва тўрт фаслда тупроқ шўрланишини ўлчади: баҳор, ёз, куз ва қиш ва тўртта қатлам: биринчи қатлами (0-15 см), иккинчи қатлам (15-30 см), ўрта қатлам (30-45 см) ва чуқур қатлам (45-70 см). Кейинчалик, шўрланиш ўзгариши муносабатини таҳлил қилиш орқали кўп тупроқ қатламларида шўрланишни башорат қилишга эришиш учун конверсия модели тузилган ҳамда тупроқ шўрланишининг ўзгарувчан хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: шўр доғлари, пахта ҳосилдорлиги, шўрланиш ва тупроқ унумдорлиги, статистик модел, аэрофотосурат ва космофотосурат.

Аннотация. В данной статье засоленность почвы является одной из основных угроз для развития сельского хозяйства. Необходимо срочно внедрить дистанционный мониторинг засоленности посевных площадей. В этой статье Мирзачул был взят в качестве орошаемой исследовательской территории, а засоление почвы было измерено в течение четырех сезонов: весна, лето, осень и зима и четыре слоя: первый слой (0-15 см), второй слой (15-30 см), средний слой (30-45 см) и глубокий слой (45-70 см). Затем была построена конверсионная модель для прогнозирования засоления в нескольких слоях почвы путем анализа зависимости